

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСЛАМОВ ЗИЯВУДДИН САДРИДДИНОВИЧ**

**РЕТИНОБЛАСТОМАНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК  
РИВОЖЛАНИШИ АСПЕКТЛАРИ, ДИАГНОСТИКА  
ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc ) диссертации

Content of the Doctoral (DSc ) Dissertation Abstract

<b>Исламов Зиявуддин Садриддинович</b> Ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, диагностика ва даволаш усуллари ва таълимлари ..... 3	3
<b>Исламов Зиявуддин Садриддинович</b> Клинико-патогенетические аспекты развития, усовершенствование методов диагностики и лечения ретинобластомы ..... 27	27
<b>Islamov Ziyavuddin Sadriddinovich</b> The clinic-pathogenetic aspects of retinoblastoma development, improvement its diagnostic methods and treatment ..... 51	51
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works ..... 54	54

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ИСЛАМОВ ЗИЯВУДДИН САДРИДДИНОВИЧ**

**РЕТИНОБЛАСТОМАНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК  
РИВОЖЛАНИШИ АСПЕКТЛАРИ, ДИАГНОСТИКА  
ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.08 – Офтальмология**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.DSc/Tib56 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида [www.tsdі.uz](http://www.tsdі.uz) ва «Zіyonet» ахборот таълим порталида ([www.zіyonet.uz](http://www.zіyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Баҳритдинова Фазилат Арифовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Саакян Светлана Владимировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Бузруков Ботир Тулкунович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Ходжиметов Абдугафур Ахатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Сеул миллий университети,  
болалар госпитали Жанубий Корея**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел./факс: (+99871) 230-20-65; факс: (+99871) 230-47-99; e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси 103-уй. Тел.: (+99871) 230-20-65.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ж.А. Ризаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Л.Э. Хасанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори,  
доцент

**Х.М. Камиллов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича ретинобластома (РБ) – камдан-кам учрайдиган нейроэктодермадан ривожланувчи кўз ичи хавфли ўсмаси бўлиб, асосан 5 ёшгача бўлган болаларда, айрим ҳолатларда катта ёшдаги кишиларда ҳам учраб, болаларда учрайдиган барча хавфли ўсмаларнинг деярли 4%ни ва катталардаги саратон касалликларининг 1%дан камроғини ташкил қилади. ретинобластоманинг клиник кечими унинг ўсиши характери билан боғлиқ ўзига хос хусусиятлари, беморларнинг кеч мурожаат қилиши, болалардаги бошқа кўз касалликлари билан ўхшашлиги туфайли нотўғри ташхислаш буларнинг барчаси беморнинг кўзи ва ҳаётини сақлаб қолиш имкониятларини пасайтиради. Ретинобластоманинг монологатерал шакли 60-80%, билатерал шакли 20-40% ҳолатларда учраши қайд этилади. Ривожланган мамлакатларда ўсмани эрта ташхисоти яхши йўлга қўйилган бўлиб, ушбу касаллик туфайли ўлим даражаси минимал кўрсаткичларга эга (2-3%). Осиё, Африка ва Жанубий Америка давлатларида беморларнинг мутахассисларга кеч мурожаати туфайли ўлим даражаси 50% ва ундан ортқни ташкил қилади. Касалликни бундай оқибатларининг сабаби болаларни кўз қорачиғини кенгайтириб текширишга, молекуляр-генетик изланиш усулларини киритиш билан мажбурий текширувдан ўтказиш алгоритми ва ягона ташхисот тизимининг мавжуд эмаслигидир. Бундай текширув натижалари нафақат касалликни эрта даврда ташхислаш, балки унинг этиологияси, шакли ва босқичига мос равишда даволаш алгоритмини белгилаш имконини ҳам беради. Кўпинча нотўғри ташхис ва нотўғри даволашга олиб келувчи иккиламчи асоратлар, тўр парданинг кўчиши, иккиламчи глаукома ва катарактанинг ривожланиши боланинг кўзи ва ҳаёти учун хавф туғдиради.

Жаҳонда ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатлардаги изланишларнинг мохияти ретинобластоманинг учраш тезлиги, ўсманинг молекуляр-генетик маркерларини, хавф омиллари, ретинобластома билан оғриган беморларда жараённинг турли ривожланиши даврларида кўз гемодинамикаси хусусиятлари, дерматоглифик ўзига хослиги, шунингдек ўсма тўқимаси, кўз ёши суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларини урганишдан иборат. Касалликни ташхислаш клиник-функционал, генетик, молекуляр-генетик, ультратовуш ва биокимёвий текширув натижалари асосида олиб борилмоқда. Касалликни эрта ташхислаш, башорат қилиш, ретинобластома билан оғриган беморларни анъанавий даволаш фонида химиопрепаратларни маҳаллий куллаш самарадорлигини, ўсма жараённинг босқичи ва жойлашувига мос равишда ретинобластомани комплекс даволаш тизмини, даволашдан сўнг ретинобластома билан оғриган беморларни реабилитация қилиш чора-тадбирлари схемасини ишлаб чиқиш долзарбдир. Касалликни эрта ташхислаш ва олдини олиш чора-тадбирлар комплексини

ишлаб чиқиш ва олдини олишга қаратилган гигиеник меъёрлар яратиш кабилар алоҳида аҳамият касб этади.

Республикада ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар олдини олиш ва барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида болалар ва усмирларга ихтисослаштирилган тиббий хизматни юксалтиришга мулжалланган чора-тадбирлар белгиланган. Бу борада кўриш тизими онкологик касалликларининг профилактикаси ва ташхислашда, замонавий тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни куллаш алоҳида аҳамияти касб этади.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, «Онкологик хизматни замонавий материал-техник жихозлаш» 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866–сон «Онкологик хизматнинг келажақдаги ривожланиши»га бағишланган Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича ҳалқаро илмий тадқиқотлар шарҳи.**

Ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Weill Cornell University, Ohio State University, University of California San Francisco, (АҚШ); L.V. Prasad Eye Institute (Ҳиндистон); Guangzhou Medical University, Jinan University (Хитой); Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония), University of Toronto (Канада), Aix-Marseille University (Франция), Thomas Jefferson University (Филандия), Н.Н.Блохин номидаги РОНЦ (Россия), МНТК «Куз Микрохирургияси», Республика Онкология илмий маркази (Ўзбекистон)да олиб борилган.<sup>1</sup>

Ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий натижалар олинган: ретинобластомаларда интравитрал кимёвий даволаш усулидан фойдаланиш асосланган Weill Cornell University (АҚШ); ретинобластомаларда, яъни бирламчи ўсмаларда РНК секвенирлаш амалиёт-

---

<sup>1</sup> [www.weill.cornell.edu](http://www.weill.cornell.edu); [www.osu.edu](http://www.osu.edu); [www.lvpei.org](http://www.lvpei.org); [www.gzhmc.admissions.cn](http://www.gzhmc.admissions.cn); [www.kpu-m.ac.jp](http://www.kpu-m.ac.jp); [www.utexas.edu](http://www.utexas.edu); [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca); [www.english.jnu.edu.cn](http://www.english.jnu.edu.cn); [www.univ-amu.fr](http://www.univ-amu.fr); [www.hospitalaustral.edu.au](http://www.hospitalaustral.edu.au); [www.ug.edu.gh](http://www.ug.edu.gh); [www.ucsf.edu](http://www.ucsf.edu); [www.vanderbilt.edu](http://www.vanderbilt.edu); [www.jefferson.edu](http://www.jefferson.edu)

ни амалга ошириш исботланган Ohio State University (АҚШ); ретинобластомаларда нотўғри ташхислаш, режалаштирилмаган ва нотўғри амалга оширилган жаррохлик амалиётини салбий оқибатларга олиб келиши исботланган L.V. Prasad Eye Institute (Ҳиндистон); ретинобластомаларда HSV-TK/GCV генларни фаолиятини пасайтириб, касалликни даволаш ва MAPK/ERK фаолиятини ошириш тартиби асосланган Guangzhou Medical University (Хитой); буйрак хужайра карциномасида ретинобластомаларда цитокинларни қўллаш орқали касалликни даволаш тизимини кучайтириш тартиби исботланган Kyoto Prefectural University of Medicine (Япония); ретинобластомалар ва увеал меланомаларни артериялар ичига кимиёвий дори воситаларини юбориш орқали даволаш самарадорлиги ва касаллаикни камайтириш тартиби исботланган University of Texas (АҚШ); ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: ретинобластоманинг молекуляр-генетик маркерлари кўрсаткичлари асосида хавф омилларини аниқлаш; ретинобластома билан оғриган беморларда жараённинг турли ривожланиши даврларида кўз гемодинамикаси хусусиятлари, ўсма тўқимаси, кўз ёши суноқлигининг биокимёвий кўрсаткичларини урганиш; касалликни клиник-функционал, генетик, молекуляр-генетик, ультратовуш ва биокимёвий текширув натижалари асосида эрта ташхислаш, беморларни жаррохлик амалиётидан кейинги реабилитацияни оптималлаштириш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ретинобластоманинг фақат бошланғич симптомларигина - қорачиқнинг оқиш ялтираши айрим ҳолларда ғилайлик каби ҳаммага маълум. Офтальмологлар, болалар офтальмологлари, қолаверса педиатрлар ўсма ривожланишининг турли даврларидаги РБнинг клиник кўриниши ва симптомларининг ўзига хос хусусиятларини кўпинча билишмайди. Онкологик оғох бўлмаганлиги сабабли, улар РБ симптомларини бошқа кўз касалликлари симптомларига ўхшатиб, нотўғри талқин этишлари ва адекват даволаш учун вақтни қўлдан бой беришлари мумкин. Натижада ретинобластома билан оғриган беморлар онкоофтальмологга фурсатни ўтказиб, аъзо сакловчи терапияни ўтказиш имконияти бўлмаган ҳолда кеч мурожаат қиладилар (Бровкина А. Ф. 2005; Горовцова О.В., 2009; Дурнов Л. А. 2003; Ишбердина Л.Ш. 2009; Кански Дж.Д. 2006; Мякова Н.С. 2004; Нероев В.В. 2012; Саакян С. В. 2008; Ушакова Т. Л. 2009; Abramson D.H.,2011; Balmer A., Munier F 2007; Batra R. et al. 2009; Biswas S et al. 2010, Cheng S.E., et al .2008; Gallie B.L.,et al. 2004; Halperin E.C., 2010; Huang S.,et al. 2010; Junyang Zhao et al. 2011; Kaiser P.K., et al. 2012; Moll A.C.et al.2000; Murray T.G., Abramson D.H. 2003; Parulekar M. et al. 2011).

Гўдак ва мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг профилактик кўриклари амалга оширилмайди, мактаб ёшидаги болаларда эса улар расман ўтказиладики, бу ҳам ретинобластоманинг эрта ташхисотини ёмонлашуви ва

даволаш натижаларини самарасизлигига сабаб бўлади. Айнан шунинг учун ҳам, аксарият хорижий олимлар Рбларнинг бошланғич даврларини аниқлаш учун ёш болаларни офтальмологлар кўригидан ўтказиш - скрининг аҳамиятини юқори баҳолайдилар. АКШда «Well baby screening» ва «The Early Detection and Treatment» (EDT) дастурлари мавжуд бўлиб, улар асосида педиатрлар уч ойлик чақалоқларни кўрикдан ўтказиб қорачиқнинг оқиш ялтираши, ғилайлик ва бошқа нуқсонларнинг мавжудлигини аниқлаши, шунингдек, агар оилада Рб билан оғриган бемор бўлса, хомиланинг пренатал скринингини ўтказишлари шарт (Abramson D.H., et al. 2008; Asencio-Duran M. et al. 2011; Bosscha M.I. et al, 2011; Chew C. et al. 2005; Clark R. 2007; Imhof S.M., et al. 2006; Lau Ch.S.L. et al. 2008; Leander Ch. 2007; Li J. et al. 2010; Maki J.L. et al. 2009; Marees T. et al. 2009; Nichols K.E. et al. 2005; Rotschild P. 2011; Serrano C. et al 2011; Simon J. et al. 2004; Smith M.A. et al. 2010).

Республикада фақатгина онкология илмий марказида ретинобластома билан оғриган болаларни даволаш тажрибасига эга онкоофтальмологлар, онкопедиатрлар, химиотерапевтлар, радиологлар, реабилитация бўйича мутахассислар, протезчилар, психологлар ва бошқа қатор мутахассислардан иборат жамоа томонидан ретинобластома касалланган беморларни комплекс ташхислаш ва адекват даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ретинобластоманинг билатерал шакллари учрашининг купайиши ва кўзни сақлаб қолишга интилиш даволашнинг аъзо сақловчи усулларини ривожланишига сабаб булмоқда. Даволаш усулини танлаш ва уларнинг комбинациялари ўсманинг ўлчамлари ва жойлашишига боғлиқ бўлиб, уни фақатгина онкоофтальмолог аниқлаб беради. (Бровкина А. Ф. 2005; Боброва Н.Ф., Тавронская Н.М. 2000; Дурнов Л. А. 2003; Ишбердина Л.Ш. 2009, Саакян С.В. 2012; Ушакова Т.Л. 2009; Abramson D.H. 2010; Chan M.P., et al. 2009; Deegan W. F 2003; Demirci H., et al. 2005; Dimaras H. et al. 2011; Dunkell J., et al. 2011; Kaliki S., et al. 2011; Naseripour M. et al, 2009; Ohshima K., Kaneko T. et al. 2009; Shinohara E. 2008; Shields C.L., Shields J.A. 2010; Von Arx G.F., Fichter N. 2011; Zhao J., et al. 2011; Yamane T. et al. 2004). Лекин, ташхислаш мезонлари, дори воситалари билан ёки хирургик даволашни танлаш учун аниқ кўрсатма ва қарши кўрсатмалар шу кунгача ишлаб чиқилмаган (Саакян С.В. 2008; Ушакова Т.Л. 2011; Abramson D.H. 2008; Asencio-Duran M. et al. 2011; Chan M.P. et al. 2009; Jehanne M. et al., 2009; Hamel P., et al 2000; Jehanne M., et al. 2009; Suzuki S. Kaneko A., 2010).

Ретинобластоманинг патогенези, ўсма жараёнининг турли даврларида клиник кўринишларининг ўзига хослиги, ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ҳақида ягона фикр мавжуд эмас Ретинобластомани мавжуд ташхислаш усуллари орасида соддалиги ва ахборотни тез олиш бўйича УТТ, сўнгра КТ ва МТР текширувлари энг самарали ҳиобланади, лекин мазкур текширув кўрсаткичлари ҳар доим ҳам аниқ эмас ва қатор камчиликларга эга (Бизенкова М.Н. и др., 2007; Катъкова Е.А, 2011; Каюмова Р.Р. 2012; Малюта Г.Д. 2002; Насникова И.Ю. 2004; Фазылов А.А. и др., 2008; Элизова О.А. 2003; Chianci R. et al. 2009; Douira-Khomsis W., et al., 2009;

Finger P.T. et al.,2005; Galuzzi et al.,2009; Grabowska A. 2010; Teresa M. 2011; Wilson M.W. 2009).

Шундай қилиб, ретинобластоманинг дунёда кенг тарқалганлиги, эрта клиник кўринишларининг камлиги, беморларнинг мутахассисга кеч мурожаат қилиши ва шу билан бирга тиббиётда янги юқори технологик текширувларнинг пайдо бўлиши ретинобластомаларни ташхислаш, даволаш ва башорат қилишнинг самарали усулларини излашга ундайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режаси « Куз касалликларида диагностикани мукамаллаштириш ва янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва тадбик қилиш» (2015-2018 й); ва Республика онкология илмий марказининг А-10-СС-1-14973 АДСС 9.3 «Генетик скрининг, болаларда кўриш аъзоси янги тузилмаларини эрта ташхислаш, мониторинги ва даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш» (2012-2014й); № АДСС 15.9.1 «Куз ичи усмаларида скрининг ва орган сакловчи даволаш методларини ишлаб чиқиш»(2015-2017й) мавзусидаги грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ретинобластома билан оғриган беморларда кўриш аъзосининг клиник-функционал ва организмнинг молекуляр-генетик, иммунологик, биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш асосида патогенетик асосланган диагностика, даволаш ва реабилитация усулларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ретинобластоманинг учраши тез-тезлиги, клиник кечими ва усманинг молекуляр-генетик маркерлари кўрсаткичлари асосида хавф омилларини ўрганиш;

ретинобластома билан оғриган беморларда жараённинг турли ривожланиши даврларида кўз гемодинамикаси хусусиятлари, дерматоглифик ўзига хослиги, шунингдек ўсма тўқимаси, кўз ёши суюқлигининг биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш;

клиник-функционал, генетик, молекуляр-генетик, ультратовуш ва биокимёвий текширув натижалари асосида ретинобластомаларни эрта ташхислаш ва башорат қилиш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ретинобластома билан оғриган беморларни анъанавий даволаш фонидида карбоплатин препаратини ретробульбар юбориш самарадорлигини баҳолаш;

ўсма жараёнининг босқичи ва жойлашувига мос равишда ретинобластомани комплекс даволаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

даволашдан сўнг ретинобластома билан оғриган беморларни реабилитация қилиш чора-тадбирлари схемасини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг онкоофтальмология бўлимига 1985-2010 йиллар давомида республиканинг барча вилоятларидан мурожаат қилган ретинобластома билан оғриган

503 нафар бемор ва уларнинг касаллик тарихи (архив материали -208, шахсий материал - 295 бемор) киритилган.

**Тадқиқотнинг предмети** беморларнинг Рб билан оғриган кўз олмаси, веноз қони, кўз ёши суюқлиги, ўсма гомогенати, биокимёвий, генетик, биомикроскопик, УТТ ва КТ текширув натижалари, объектив симптомлар олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш мақсадида клиник-функционал, биокимёвий ва кристаллографик, морфологик, УТТ, УЗДГ, КТ ва тиббий-генетик текширув, дерматоглифик текширув, полимераз занжир реакцияси (ПЗР)ни қўйиш, Каплан-Мейер ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Узбекистонда илк бор панмикс ва имбридинг шароитида чақалоқларда ретинобластомаларнинг учраши 1:19335, RB1 полиморф генлар ҳамда аддитив HLA-генлари билан кучли корреляцион ўзаро боғлиқлиги исботланган;

ретинобластома босқичларини доплерографик ва томографик кўз текширувида ўсманинг клиник кўринишлари ва касалликни эрта босқичида ташхислаш имконини бериши исботланган, даволаш методларини планлаштиришга ёрдам берган;

илк бор кўз ёш суюқлиги ва ўсма тўқимасидаги кислороднинг фаол шакли генерацияси интенсивлик даражаси, антипероксид ва антирадикал тизимлар ҳолати, жараённинг кечиши, касалликни эрта ва дифференциал ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

комбинирлашган давода Карбоплатинни ретробульбар кулланганда усма процессини стабиллаштиришга, куз олмаси энуклеациясини камайтиришга, яшаш курсаткичларини юкорилашга эришилгани тасдиқланган;

илк бор клиник-функционал, молекуляр-генетик, биохимик и ультразтовуш текширувлар натижасида комплекс текширув ва даволаш касалликнинг факатгина эрта аниқлабгина колмасдан, усма жараёнини тухтатиб улим курсаткичларини пасайтиришга эришилган;

ретинобластоманинг турли шакллари ривожланишини клиник-патогенетик мезонлари ишлаб чиқилган;

касалликни даволашдан кейинги босқичдаги реабилитацион жарроҳлик амалиётлари кўзнинг кўриш фаолиятини ошириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш тартиби исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ретинобластома касаллигига бирламчи кўриқдан ўтказиш ва ташхислаш, батафсил клиник ва генеалогик анамнезини ўрганиш сўровномаси ишлаб чиқилган;

ўсмага ўхшаш бўлган касалликлар аниқланганда асосланмаган кўз энуклеациясидан сақлаш механизми ишлаб чиқилган;

кўз ичининг ўсма билан тўлиши ва кўз ўлчамларининг катталашуви ретинобластоманинг нохуш эхографик белгиларидан деб аниқланган;

усманинг активлигидан ва башорат яхши эмаслигини билдирувчи хромосомалар абберациясининг даражаси аниқланган, бу даволаш самарадорлиги пастлигидан дарак беради, ҳамда беморларни доимий диспансеризацияда булиши кераклигини билдиради;

рангли доплер картирлаш факатгина Рб ва унинг янги томирларини курсатиб колмасдан, магистрал томирлардаги гемодинамик курсаткичлар асосий дифференциал диагностик ва прогностик критерий булиб хизмат килиши исботланди;

ретинобластомага мойилликни аниқлашда биокимёвий, дерматоглифик ва генетик текширувларни ҳомиладорлик ва янги туғилган чакалоқлик даврларида касалликнинг хавф гуруҳини аниқлашнинг скрининг дастурига киритиш зарурлиги кўрсатилган.

Карбоплатинни ретробульбар юборишга асосланган Ретинобластомани эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган, усмани регрессига ва шуни хисобига Рб билан зарарланган болаларда улим даражасини пасайтиради, бу каслликни даволашда янги перспектив йуналишдир.

**Тадқиқот натижаларининг** объектив клиник, компьютер-томографик, УТТ ва доплерографик, молекуляр-генетик, иммуно-гистокимёвий, биокимёвий, кристаллографик, дерматоглифик тадқиқот усуллари билан тасдиқланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Илмий нуктаи назардан усма процессининг активлиги курсатувчи бош ва аддитив HLA-генлари билан кучли корреляцион ўзаро боғлиқлиги исботланган. Ретинобластомани ва унинг стадияларини аниқлашда ультратовуш доплерографик ва томографик текширувларнинг курсаткичлари, усманинг клиник белгилари намоён булишидан аввал аниқланиши тасдиқланган, усма ривожланишининг клиник-патогенетик аспектларини аниқловчи ёш суюклиги ва усма туқимасининг антипероксид ва антирадикал системаларида процесс кечишининг конунияти аниқланган. Усмани бошлангич даражада аниқлаш ва даволашга қаратилган диагностика ва даволаш алгоритмининг юкори самарадорлиги илмий тасдиқланган

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти морфологик, молекуляр-генетик ва лаборатория текширувларининг дифференциал-ташҳисот комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, у ретинобластоманинг ривожланишини барча клиник-патогенетик аспектларини аниқлаш имконини берди. Унинг асосида беморларни даволаш ва реабилитация схемаси ишлаб чиқилди. Ретинобластомага шубҳа бўлган беморларни скрининг текширув комплексига дифференциал ташҳисот комплексини киритиш зарурати илмий асосланди.

Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти даволаш муассасаларининг клиник амалиётига ташҳисий ва даволаш чора-тадбирлари алгоритми татбиқ этилиб, у ташҳисий хатолар частотасини пасайиши, ретинобластома билан оғриган беморларнинг ҳаёти, кўзини сақлаб қолиш ва болаларда кўриш ўтқирлигини тиклаш имконини берди. Реабилитацион амалиёт бажарилганда

УТТ кўрсаткичларини тикланиши мос равишда боланинг кўриши ва ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминлайди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:** Ретинобластоманинг клиник-патогенетик ривожланиши аспекти, диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар:

«Кўз ичи ўсмаларида бирламчи хеморедукция самарадорлигини баҳолаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 13 февралдаги 8 н-д/10–сон маълумотномаси); «Генетик скрининг, ретинобластомани эрта ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 13 февралдаги 8н-д/10-сон маълумотномаси); «Ретинобластома клиникаси ва ташхисотининг ўзига хос хусусиятлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 13 февралдаги 8н-д/10-сон маълумотномаси). ТМА 1-клиникаси, Республика Онкология илмий амалий маркази клиник амалиётга татбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 08 июндаги 8н-з/119-сон маълумотномаси); «Болаларда ретинобластомани эрта ташхислаш программаси: №DGU 03834.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 10 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 128 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан, 15 таси республика ва 8 таси хорижий журналларда нашр этилган. 3 методик кулланма чоп этилган.

**Диссертация ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш қисми, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ретинобластоманинг генетик узига хослиги эрта ташхислаш ва даволаш перспективалари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича чоп этилган ишлар шарҳи келтирилган. Ретинобластоманинг этиологияси, патогенези, эпидемиологияси, ташхисоти ва даволаш усуллари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинган.

Ретинобластомани даволашнинг замонавий тамойиллари, уларнинг ютуқлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқот материали ва методлари» деб номланган иккинчи бобида клиник материал, лаборатор, молекуляр-генетик, ташҳиснинг нур текширувларини ўз ичига оловчи тадқиқот материали ва усуллари келтирилган.

Иш Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказининг онкоофтальмология бўлимига 1985-2010 йиллар давомида республиканинг барча вилоятларидан мурожаат қилган ретинобластома билан касалланган 503 беморнинг текшириш ва даволаш натижаларига асосланган. Касаллик тарихлари анализ қилинган: ретинобластома ташҳиси билан архив материали -208 (41,4%), шахсий материал -295 бемор (58,6%). Беморларнинг ёши - 1 ойдан 11 ёшгача, ўртача ёш - 2,3 (27 ой). Ўғил болалар - 157 (53,2%), қиз болалар - 138 (46,8%); шаҳарликлар - 25,2%, қишлоқ аҳолиси - 74,7%.

Ретинобластома ташҳиси анамнез, касалликнинг офтальмологик курунишлари, УТТ ва УЗДГ, КТ, МРТ, цитологик ва гистологик текширувлар клиник тасниф (TNM тизими AJCC, 6- кайта қурув, 2002) асосида қўйилди.

Офтальмологик усуллар. Визометрия; беморни чироқ ва 13D лупа ёрдамида ён томондан ёритиш усулида ташқи кўриқдан ўтказиш; тесқари офтальмоскопия – ойнали офтальмоскоп ёрдамида ва электрик офтальмоскоп ёрдамида –тўғри офтальмоскопия; биомикроскопия– тирқишли чироқ ёки операцион микроскоп ёрдамида; тонометрия.

Махсус текширув усуллари. Ультратовуш текшируви ЎзР ССВ РИО ва РИАТМ ультратовуш ташҳисоти лабораториясида 5-10 мгц частотали L743 датчикли, 3,5-5 мгц частотали 50EB KRANZBUHLER аппарати (Германия) ёрдамида амалга оширилди.

Ультратовушли доплерография VOLUSON-730pro (АҚШ) (MDS-service клиникаси) ва PHILIPS HD-11XE (Andromed&Horev клиникаси) эксперт синф аппаратларида амалга оширилган бўлиб, улар 3D и 4D тадқиқотлар учун ихтисослашган триплекс режимида ишловчи юқори зичликка эга чизикли электрон кўпчастотали датчиклардан (5-12 МГц) иборат. Кўзнинг комплекс ультратовуш текширувида кул ранг шкалалари эхография (В-режим), доплерография, 4D режими ва томирларнинг уч улчамли реконструкциясидан фойдаланилди.

Барча болалар РОИМ нур ташҳисоти бўлимида «Simens» фирмаси (Германия) «SOMATOM» аппарати ёрдамида компьютерли томографиядан ўтказилди. Томограммалар «Эвалюскоп»да таҳлил қилинди.

Биологик материални олиш усули. Энуклеация қилинган кўзда ўсма тўқимасидан 2 та 5 мм ўлчамдаги бўлакча кесиб олинди ва 2 мл физиологик эритмали 2 та флаконга солинди. Битта флакон ўсма хужайралари хромосомаларини аниқлаш учун ўсма биологияси лабораториясига, иккинчи флакон биокимёвий текширувлар учун юборилди.

Молекуляр-генетик текширувлар Рб билан касалланган 50 нафар бемор ва уларнинг 57 нафар қариндошларида (ота-онаси, ака-ука, опа-сингил) Биоорганик кимё институтининг геномика лабораториясида ПЗР –ташхисот усулида (К.Муллис,1983) амалга оширилди.

Клиник–генеалогик усул (Ф.Фогель ва А.Мотульски,1990). Беморнинг яқин ва узоқ қариндошларидаги касалликлар урганилди. Таҳлил ўсмалар биологияси лабораториясида ўтказилди.

Цитогенетик усуллар. Рб билан оғриган 150 нафар бемор, 59 сибс ва 30 соғлом кўнгиллиларда ўсма биологияси лабораториясида хромосома таҳлили учун қон лимфоцитлари культивацияси амалга оширилди.

96 нафар болада қафтнинг дерматоглифик кўрсаткичлари бўйича онкоофтальмология бўлимида ўрганилди.

Кўз ёши суюқлиги ва ретинобластома тўқимасининг биокимёвий хусусиятларини ўрганиш: кўз ёши суюқлигида малон диальдегид (МДА) микдори (Губский Ю.И.1984 й.); кўз ёши суюқлигида липидлар гидроперекислари (Капелько В.И (2003г); ўсма тўқимаси гомогенатидаги перекисга қарши фаоллик (Ибрагимов У.К. ва бошк.,1993); ўсма тўқимаси гомогенатида СОД фаоллиги (Mirsa & L.S.Fridovich,1972, Брусев О.С. модификацияси билан,1982.); кўз ёши суюқлигининг кристаллографияси (Бржеский В.В., 1990 й.), ўсма тўқимасидаги умумий липидлар микдори (Био-ЛА-Тест (PLIVA–La Chema, Чехия) ўрганилди. Текширувлар ТошПТИ биокимё кафедраси лабораторияси (проф. Ибрагимов У.К.)да ўтказилди.

Ретинобластомаларни даволаш усуллари тавсифи. Комплекс текширув натижалари ва ретинобластоманинг босқичига мос равишда беморларда 3 хил даволаш усуллари қўлланилди: аъзосақловчи, комбинирланган ва комплекс.

Аъзосақловчи даволаш усули кимё-нур терапиясидан иборат бўлди. Ҳажми кўз бўшлиғининг  $\frac{1}{4}$  қисмидан катта бўлмаган, Рбнинг  $T_{1-2}N_0M_0$  босқичига мос бўлган яқка ўсма аъзосақловчи даволашни амалга ошириш учун кўрсатма ҳисобланади. Аъзони сақловчи даволаш усулининг самарадорлигини ошириш мақсадида химиопрепарат карбоплатиннинг махаллий - ретробульбар юбориш ўрганилди (ССВ этик қўмитасининг 12.05.2015 й. №05/07 рухсати). Аъзони сақловчи даволашда карбоплатин ретробульбар сохага орбита бўшлиғига 0,5 мл-5мг микдорда ҳафтасига 1 марта, 3 ҳафта давомида юборилди. Уни 20 нафар беморда умумий ПХТ ва нур терапияси билан бирга қўлланилди. Беморлар Рбнинг  $T_1-T_2$  босқичида бўлган. Ўсманинг размерлари - 6x7мм дан 12x10 мм гача бўлган.


Аксарият беморлар (50%дан кўп) Рбнинг ривожланган, яъни  $T_2N_0M_0$  ва  $T_{3a}N_0M_0$  босқичларида ўсма кўз бўшлиғининг ярми ёки ундан ортиқ (10 мм ва катта) қисмини эгаллаб, аъзосақловчи даволаш усули самарасиз бўлган ҳолларда бизга мурожаат қилишди. Шу сабабли, мазкур беморларга комбинирланган даво усули қўлланилди: кўз энуклеацияси ва операциядан кейинги даврда адьювант ПХТ билан. Рбнинг ута ривожланган босқичларида  $T_{3b-c} N_0M_0$  ва экстрабульбар усиш ҳолларида  $T_4N_0M_0$  комплекс даволаш - кўз энуклеацияси ёки орбита экзентерацияси ва операциядан кейинги даврда

ПХТ ва ДТГТни ўз ичига олди. Операциядан кейинги даврда беморлар 6 ой давомида ҳар 3 ҳафталик интервал билан 6 курсгача ПХТ тайинланди.

Статистик материал ўртача арифметик, ўртача квадратик силжиш, ўртача квадратик хатони ҳисоблаш билан Microsoft Excel дастури ёрдамида ишланди. Статистик текширувлар натижаларининг ишончилигини баҳолаш учун Стьюдент мезонидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **Ретинобластоманинг учраш сони ва Ўзбекистонда тарқалишини ўрганиш натижалари** деб номланган учинчи бобида Рб билан касалланган 208 нафар беморнинг архив (1985-2000 йй.) касаллик тарихларини, шунингдек биз текширувдан ўтказган ва даволаган республиканинг турли вилоятларида яшовчи 295 нафар беморни (2001-2010 йй.) ўрганилди. Таҳлил шуни кўрсатдики, кейинги ўн йилда касаллик 2 баробар, 1 ёшгача беморларни аниқлаш 4,5 баробар ва  $T_{1-2}$  босқичлари 57 дан 67%гача ошган. Беморларнинг ўртача ёши 2,8 дан 2,3 гача пасайган, энуклеациялар - 15% га, икки томонлама энуклеациялар - 9,4%га, орбита экзентерацияси - 1,3 мартага камайган.


2001-2010 йилларда Рбнинг республика минтақалари бўйича тарқалиши таҳлили шуни кўрсатдики, энг кўп беморлар Фарғона водийсидан – 30%, энг кам беморлар Сирдарё, Жиззах ва Навоий вилоятларидан – 7,8% кузатилди. Рбнинг энг кўп учраши Бухоро ва Андижон вилоятларига тугри келган, бу кўрсаткич мос равишда 1 бемор 14537 чақалоққа ва 1:14643 тўғри келди. Касалликнинг энг кам частотаси Наманган вилоятида - 1:29890 чақалоқ аниқланди. Республика бўйича янги туғилган чақалоқлар орасида Рб ўртача учраши сони 1:19335 га тенг бўлди (1-расм).



1-расм. Рбли беморларни Ўзбекистон Республикаси вилоятлари бўйича тақсимоти

Диссертациянинг **Ретинобластоманинг клиник ва инструментал текширув натижалари** деб номланган тўртинчи бобда 295 нафар бемордан (362 кўз) 228 тасида (77,3%) бир томонлама ва 67 (22,7%) - икки томонлама Рб аниқланди.

Клиникага келган беморларда Рбнинг қуйидаги босқичлари аниқланди  $T_1N_0M_0$  босқичи - 4 (1,3%),  $T_2N_0M_0$  босқичи - 179 (61%),  $T_3$  босқичи - 84 (28,5%),  $T_4$  босқичи - 28 (9,5%) (2-расм)



2-расм. Текширилган беморларда Рб босқичлари

63 (17,5%) кўзда -  $T_1N_0M_0$  босқичи, 185 (51%) -  $T_2N_0M_0$  босқичи, 80 (22%) -  $T_3$  босқичи ва 34 (9,4%) кўзда  $T_4$  босқичидаги ретинобластома аниқланди. 3 ҳолатда (0,8%)  $T_3$  босқичидаги беморларда қулоқ олди лимфа тугунларига метастазлар борлиги аниқланди ва  $T_4$  босқичидаги 25 (6,9%) ҳолатда метастазлар қулоқ олди лимфа тугунлари ва бош миёга тарқалди.  $T_1$  босқичидаги ўсма асосан икки томонлама ретинобластомали беморларнинг жуфт кўзларда (60 кўз) кузатилди, 2 беморда  $T_1$  босқичи илк бор бир томонлама жараёнда аниқланди.

Рб кўпроқ 1-3 ёшдаги (50% бемор) болаларда аниқланди. 1 ёшгача бўлган болаларда икки томонлама Рб энг кўп аниқланди – 35% ва мазкур гуруҳ беморларининг ярмини ташкил қилди. Рб билан оғриган беморлар клиник тавсифи шуни кўрсатдики, лейкокория бирламчи ва энг кўп учрайдиган симптомдир.

Бизнинг натижаларимизга кўра, у 81,6% (240 бемор) ҳолатда аниқланди, баъзан ғилайлик (16%) бирламчи намоён бўлиши мумкин. Кўп учраши бўйича иккинчи аниқланадиган симптом мидриаз билан (44%) иккиламчи глаукомадир (57%). Сўнгра увеит (45%) ва гемофтальм (44%) кузатилди. Ушбу симптомларнинг барчаси Рбнинг ривожланган босқичлари учун хосдир. Илк бор клиникага мурожаат қилганда ушбу симптомларнинг аниқланиши беморнинг мутахассисга кеч мурожаат қилганлигидан далолат беради. 3% ҳолатда Рбнинг ута ривожланган ( $T_4N_1M_1$ ) босқичи - орбитага экстрабульбар ёки экзофит ўсиш билан, лунжга осилган ва қулоқ олди лимфа тугунларига метастазлар билан (2,3%) аниқланди. 68,4% кўзларда кўриш ўткирлиги кўрсаткичлари 0,1 дан 0,01гача булган, қолган кўзларда кўриш фаолияти аниқланмаган (1-жадвал).

Ретинобластомани комплекс ультратовуш текшируви. Клиникага тушган барча беморларда ретинобластоманинг аниқлаш ва емирилаётган катта ўсмаларнинг ўлчамларини оидинлаштириш имконини берувчи В-усулида кул ранг шкалалари режимда УТТ ўтказилди (2-жадвал).

1-жадвал

Ретинобластомали беморларнинг дастлабки кўриш ўткирлиги

Босқич	Кўз сони	Кўриш ўткирлиги	%
T <sub>1</sub>	63	0,1 ва юқори	17
T <sub>2</sub>	185	0,01-0,05	51
T <sub>3-4</sub>	114	0	32
жами	362		100

2-жадвал

Турли ультратовуш аппаратларида ўсманинг қиёсий ўлчамлари, кўз (%)

УТТ аппарати	Усманинг ўлчамлари мм								Жами	
	0-3		5 гача		5-10		10 куп			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
KRANZBUHLER В-метод	0	0	63	17,4	185	51,1	114	31,5	362	100,0
VOLUSON-730 pro (3D ва 4D)	36	16,1	0	0	50	22,4	137	61,4	223	100,0



3-расм. Рб ли беморнинг сонограммаси, стадия T<sub>3</sub>N<sub>0</sub>M<sub>0</sub>


Шуни аниқландики, Рбнинг энг кўп учрайдиган эхографик белгиси куйидагилардир: нотўғри шаклли бир текис бўлмаган гиперэхоген хосила (50% кузатув), аниқ нотекис контурли (71%), кальцинатлар ҳисобига кўпинча гиперэхоген (52%) (3-расм).

Томирларнинг импульс-тўлқинли, рангли ва энергетик доплерографияси ва 3Д/4Д кўриш технологияси туфайли даволаш чора-тадбирлари тактикасини танлаш учун биринчи даражали

аҳамиятга эга, Рбнинг ривожланиш босқичлари бўйича ультратовуш белгилари хусусиятларини оидинлаштириш имконини берувчи хажмли тасвирлар олинди. SonoCT, X-Res тасвирларни яхшилашнинг замонавий технологияларини қўллаш билан В-режимдан иборат кетма-кет ультратовуш текширувлари, рангли доплер картирлаш, импульс-тўлқинли доплерография, шунингдек, тўқима тузилмаларини уч улчамли таҳлили Рбни ўз вақтида ташҳислаш имконини берди. Бундай текширув самарадорлиги айниқса, кўзнинг оптик муҳити бузилишларида, офтальмоскопия ва биомикроскопия текширувларини ўтказиш мумкин бўлмаган ва Рбни «псевдоретинобластома» - ўсмага ухшаб кечувчи (Коатс

ретинити, Ретролентал фиброплазия, шишасимон тана фибрози, гемофтальм, эндофтальмит) патологиялардан фарқлаш керак бўлган холда сезиларлидир.

Кўзнинг йирик томирлари ва ўсма ичи томирларидаги гемодинамикани ўрганиш 10 мм гача диаметрли янги хосила мавжуд бўлган холда тўр парда марказий артерияси бўйлаб қон оқиши тезлигининг ишончли пасайишини



4-расм. Рб билан касалланган бемор доплерограммаси,  $T_3N_0M_0$  босқичи

кўрсатди ( $p < 0,05$ ). Орқа қисқа цилиар артерия ва кўз олмаси артерияси текширувларда хосила ўлчамлари 10 мм гача ва 10 мм дан катта гуруҳлар орасидаги гемодинамика кўрсаткичларида ишончли ўзгаришлар аниқланмади. Рб ўлчамлари 10 мм гача бўлган беморларда хосилани қон билан таъминловчи артерияда қон оқиши тезлиги  $13,3 \pm 0,9$  см/с, ТАМАХ -  $8,2 \pm 0,5$  см/с га тенг. Хосила ўлчами 10 мм

дан катта бўлган холда қон оқиши тезлиги кескин  $18,7 \pm 0,8$  см/с гача, ТАМАХ  $10,15 \pm 0,5$  см/с гача ошди; резистивлик индекси  $0,73 \pm 0,02$  гача кўтарилди (расм 4). Шундай қилиб, ўсманинг ўлчамларига мос равишда қон оқиши тезлиги кўрсаткичлари ва резистивлик индекси (RI) орасида тўғри пропорционал боғлиқлик аниқланди.

Диссертациянинг «Ретинобластоманинг генетик ва биокимёвий текширув натижалари» деб номланган бешинчи бобида 150 нафар беморда цитогенетик текширувлар амалга оширилган. Текширувлар шуни кўрсатдики, Рбли беморларда хромосомалар абerrацияси даражаси 30 та кўнгиллилардагига нисбатан 6,5 марта юқори бўлган. Хромосомалар абerrациясининг умумий даражаси 7,8% ташкил қилган. Барча абerrациялар орасида Рб маркери ҳисобланувчи хромосомаларнинг 13- жуфти узун елкаси делецияси 5,4%. Ўсма жараёнининг маркерлари ҳисобланувчи кичик иккиланган хромосомалар (КИХ) частотаси барча структур ўзгаришларга учраган хромосомаларнинг 5,1%ни ташкил қилди. Хромосомалар структур ўзгаришларининг қолган қисмини С группасидаги хромосомаларнинг делецияси ва хар хил катталиқдаги фрагментлар ташкил қилган.

Рбли беморларда биз аниқлаган хромосома нотурғунлиги ўсма жараёнининг кучайиши ва унинг хавфли ўсмага айланишининг сабабларидан бири ҳисобланади.

Рбли беморларда қон хужайралари культивацияларидаги ген ўзгаришлари частотаси даражаси эрта дифференциал диагностика ва касаллик босқичини баҳолаш, шунингдек даволаш самарадорлигини назорат қилишда қўлланилиши мумкин.

Рбли беморларнинг соғлом биринчи даражали энг яқин 59 та қариндошлари орасида ўтказилган цитогенетик таҳлил уларда хромосомалар

аберрацияси даражасининг 2,4%гача ошганлигини кўрсатди, бу оилавий ўсмага мойиллиги бўлмаган 30 соғлом кишилардагига нисбатан 2 баробар кўп. Рбли пробандлар оила аъзолари орасида хромосомаларнинг 13-жуфти узун елкасининг делециясини 2/59 (2,7%) аниқлашга муяссар бўлди, ушбу шахсларда Рбнинг ривожланмаганлиги тўлиқ бўлмаган пенетрантлик ёки гетерозиготликдан далолат бериши мумкин.

Ўсма жараёнини чакирувчи хромосома абберрациялари ва генлар орасида алоқа мавжудлигини исботлаб, биз Рбнинг ўсма ҳужайраларидаги пролиферация ва апоптоз генлари экспрессиясини ўргандик.

Ҳужайра геномидаги ўзгаришлар ҳужайра онкогенларини фаоллаштиради ва ўсма жараёнини стимуллади. Онкогенларнинг регрессияси ва дерегрессияси жараёнларини бузилиши ҳужайраларнинг ёт фенотипига, уларнинг трансформацияси ва ўсманинг ривожланишига олиб келади. Рбда RB1 полиморф генларининг 20, 22, 25 экзонлар бўйича чирмашиши аниқланмади, 13 экзон ва RB1 промотор гени бўйича аллелларнинг мавжуд эмаслиги унинг фаоллигини йўқолишини таъминлайди, бу эса ҳужайраларнинг назоратсиз кўпайиши, мутацияларнинг тўпланиши, ўсма трансформацияси ва унинг ривожланишига олиб келади.

Биз Рбли беморлар учун хос дерматоглифик кўрсаткичларни аниқладик. Ўғил болаларнинг ўнг кўлидаги радиал ковузлоклар (LR) қиз болалардагига нисбатан 1,5 марта кўпроқ учради: мос равишда 12,5% ва 8,5%, чап кўлда эса улар шунча марта кўп қизларда аниқланди: 7,5% ва 11,4%. Мазкур кўрсаткичлар меъёрга нисбатан бир неча баробар юқори бўлди. Қиз болаларда чап кўлда А ёйининг учраши тез-тезлиги назоратга нисбатан 6 марта юқори бўлди. Дерматоглифик кўрсаткичларни биз касалликнинг клиникагача бўлган даврида Рбнинг хавф гуруҳини аниқлаш учун скрининг дастурига киритдик.

Рбли беморларда кўз ёши суюқлигидаги эркинрадикал жараённинг интенсивлиги ва ўсманинг ўсиши босқичига мос равишда антиоксидант тизим ҳолати. Кўз ёши суюқлигини текширувлари натижасида умумий оксил кўрсаткичларининг назоратга нисбатан 4-4,5 баробар ошиши ва T<sub>1</sub>-T<sub>3</sub> босқичларида ўсиши тенденцияси аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Рбли беморларда кўз ёшининг биокимёвий ва кинетик тавсифи Рб, M ± m.

Рб босқичи	УО мг/г	ЭМДА нмоль МДА/мг ОКСИЛ·МИН	АГП, Е/мг
Назорат (n=25)	1,76±0,26	14,57±0,38	0,0140±0,0013
T <sub>1</sub> (n=7)	7,16±0,05***	18,9±0,5***	0,0405±0,0007***
T <sub>2</sub> (n=14)	7,59±0,07***	22,57±0,23***	0,0458±0,0003***
T <sub>3</sub> (n=16)	7,71±0,07***	24,47±0,23***	0,0492±0,0005***

Изох: УО–умумий оксил; ЭМДА–эркин малон диальдегид; АГП – ацилгидроперекись; \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ахамиятли (\*\*\* - P<0,001)

Кўз ёшидаги ЭМДА миқдори Рбнинг T<sub>1</sub>-T<sub>3</sub> босқичларига мос равишда назорат кўрсаткичларига нисбатан 1,3, 1,6 ва 1,7 марта ошди. T<sub>2</sub> ва T<sub>3</sub> босқичларидаги беморларда у 1.6 ва 1.7 марта юқори. Демак, кўз ёши

суякклигида ферментнинг миқдори Рбнинг босқичига мос равишда тўғри пропорционал ошади.

Ацилгидроперекисларни ўрганишда худди шу манзара кузатилди. Уларнинг миқдори Рбнинг  $T_1$ ,  $T_2$  ва  $T_3$  босқичларида мос равишда 2,9; 3,3 ва 3,5 марта юқори бўлди (3-жадвал).

Кўз ёши суякклигида СОД фаоллиги Рб ривожланишининг  $T_1$  босқичида ҳам назоратга нисбатан 1,2 марта паст бўлди.  $T_2$  ва  $T_3$  босқичи кўрсаткичлари деярли бир-биридан фарқ қилмади.  $T_1$  – босқичда антипероксид тизим ферментларининг АПАси назоратга нисбатан 2 марта ва Рбнинг  $T_2$  ва  $T_3$  босқичларида меъёрдан 1,6 марта паст бўлди. Шундай қилиб, Рбнинг ўсиши босқичига мос равишда СОД ва АПА фаоллигининг пасайиши тенденцияси аниқланди.

Ретинобластома тўқимаси гомогенатидаги эркинрадикал жараён интенсивлиги ва антиоксидант тизим ҳолати. Текширувларимиз натижасида шуни аниқладикки, ўсма тўқимасининг ўсиши жараёнида унда умумий оксил миқдори бирмунча ошади (4-жадвал).

4-жадвал

Рб билан оғриган беморларда ўсма гомогенатининг биокимёвий ва кинетик тавсифлари,  $M \pm m$ .

Рб босқичи	УО мг/г	нмоль МДА/мг оксил·мин			АГП Е/мг липидлар
		ЭМДА	АЗГАФК	НЗГАФК	
$T_1$ (n=7)	72,3±0,24	11,0±0,55	28,7±1,05	51,91±0,75	0,170±0,004
$T_2$ (n=14)	76,5±0,67***	6,6±0,34***	31,3±0,4*	47,3±0,42***	0,075±0,002***
$T_3$ (n=16)	80,6±0,36***	2,2±0,16***	39,9±0,42***	47,6±0,44***	0,035±0,001***

Изох: УО–умумий оксил; ЭМДА–эркин малон диальдегид; АГП – ацилгидроперекись; \* - фарқлар  $T_1$  гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*\*\*) -  $P<0,001$ )

Рб тўқимаси гомогенатида  $T_1$  босқичда ЭМДАнинг дастлаб юқори концентрацияси аниқланди, сўнгра касаллик босқичининг ошиб бориши билан фермент миқдори секин-аста камайди:  $T_1$  га нисбатан 1,7 ва 4,9 марта. Шундай қилиб, Рб тўқимасидаги ЭМДА етишмовчилиги ўсма тўқимасининг интенсив ўсиши учун шароит яратади ( $P<0,05$ ).

Кислороднинг фаол шакллари (КФШ) ҳосил бўлишини кучайтирувчи тизимларни ўрганиш энг ахборий ҳисобланади. ЭМДА етишмовчилигидан фарқ қилиб, КФШнинг ферментга боғлиқ генерацияси ҳам Рбнинг ўсишига мос равишда сезиларли кучайди, ферментга боғлиқ бўлмаган миқдори деярли ўзгармади.

Ўсма ўсишининг турли босқичларида Рб тўқимасида АГП миқдорини аниқлаш унинг ЭМДА миқдorigа тўғридан-тўғри боғлиқлигини кўрсатди.  $T_1$  босқичда АГП миқдори анчагина юқори,  $T_2$  ва  $T_3$  босқичларда эса ушбу кўрсаткич дастлабки кўрсаткичдан мос равишда 2,3 ва 4,8 марта камайди.

Соғлом тўқимада *in vitro* шароитида адреналиннинг автооксидланиши реакциясининг секинлашуви кўрсаткичи анчагина юқори.  $T_1$  –босқичда бу кўрсаткич жуда паст – 4,3%га тенг бўлиб, у АОСнинг заифлашуви ёки

ферментлар фаоллигининг кескин пасайишини кўрсатди, бу онкогенлар экспрессияси туфайли юзага келиши эҳтимолдан холи эмас.

РБнинг ривожланиши динамикасида автооксидланишнинг секинлашуви фоизи сезиларли ортади, ҳамда Т<sub>2</sub> ва Т<sub>3</sub> босқичларида дастлабки кўрсаткичга нисбатан мос равишда 4,7 ва 8,8 марта ошади.

Т<sub>1</sub> босқичида СОД фаоллиги меъёрга нисбатан 4-5 марта паст бўлди. Ўсма ўсишининг Т<sub>2</sub> ва Т<sub>3</sub> босқичларида у дастлабки кўрсаткичга нисбатан мос равишда 1,2 ва 1,5 марта фаоллашади. РБ тўқимаси гомогенатида АПА РБнинг ривожланиши босқичига мос равишда ортди: Т<sub>2</sub> ва Т<sub>3</sub> босқичида у Т<sub>1</sub> нисбатан мос равишда 1,1 ва 1,3 марта юқори бўлди. Шундай қилиб, РБ тўқимаси гомогенатида ЭМДА етишмовчилиги, афтидан ҳимоянинг антирадикал ва антипероксид тизимларининг кучайиши билан боғлиқ.

Кўз ёши суюқлиги кристаллографияси 50 нафар беморда амалга оширилди. Кўз ёши суюқлигининг кристалл панжарасини меъёрда ва РБ ривожланишининг турли босқичларидаги беморларда ўрганиш ушбу тадқиқот усулининг ахборийлигини кўрсатувчи дифференциал мезонларни аниқлаш имконини берди. РБли беморларда «папоротник барги» структураси йўқолган, кристалл тузилмали соҳалар ўлчамлари кичрайган. Кўп ҳолларда кристалланиш маркази мавжуд эмас.

Диссертациянинг **РБли беморларни даволаш ва реабилитацияси натижалари**» деб номланган олтинчи бобида ретинобластома билан муружаат қилган 295 нафар бемордан 284 нафарида (348 кўз) даволаш амалиёти бажарилди. Қасалликнинг охириги босқичларида клиникага тушган 11 бемор (3,7%)да комплекс текширувдан сўнг Т<sub>4</sub>N<sub>1</sub>M<sub>1</sub> босқич, яъни экстрабульбар ўсиш туфайли ўсма жараёнининг тарқалиши белгилари – қулоқолди лимфа тугунлари ва бош мияга метастазлар аниқланди. Бундай беморларнинг ота-оналари ҳар қандай даволанишдан бош тортдилар.

Аъзони сақловчи даволаш тартиби РБли 119 (34%) кўзда ўтказилди. Т<sub>1</sub> босқичида кимё-нур терапия 63 кўзда (53%) ўтказилди, Т<sub>2</sub> босқичда - 41 кўзда (34%), Т<sub>3</sub> босқичда 6 кўзда (5%) ва Т<sub>4</sub> босқичда 9 кўзда (7,5%). Даволаш натижалари таҳлили шуни кўрсатдики, Т<sub>1</sub> босқичдаги барча беморларда(100%) ўсманинг регресси ва кўзни сақлашдек аъло даражадаги самара олинди. Т<sub>2</sub> босқичда яхши самарага эришилди - 36 кўзда (88%) ўсма тўлиқ регрессга, 5 кўзда (12%) у қисман регрессга учради. Лекин, даволаш тугаганидан сўнг 6 ой ўтгач ўтказилган қайта текширув шу 5 кўзда ўсма жараёнининг яна ривожланганлигини кўрсатди (5-жадвал).

5-жадвал

РБли кўзларда аъзо сақловчи даволаш натижалари

РБ босқичи	Даволаш тури		Даволаш натижаси			
	ХТ+НТ		регрессия		Ўсиш	
Т <sub>1</sub>	63	52,9	63	100,0	0	
Т <sub>2</sub>	41	34,5	36	87,8	5	12,2
Т <sub>3</sub>	6	5,0	0	0	6	100,0
Т <sub>4</sub>	9	7,6	0	0	9	100,0
Жами	119	100,0	99	83,2	20	16,8

Ўсманинг ривожланган ( $T_3$ ) ва ўта ривожланган ( $T_4$ ) босқичларида кимё-нур терапияси ўтказилгандан сўнг барча кўзларда ўсманинг қисман регресси (30% дан 50%гача) кузатилди. Лекин, даволаш тўхтатилгандан сўнг ўсманинг давомли ўсиши қайд этилди. Бу ҳолат – яшаш жойида илгари хато ташҳис билан даволанган ва операция ўтказилган беморларда кузатилган. Бундай беморларга кимё-нур терапияси паллиатив мақсадда ўтказилган.

Рбли беморларда карбоплатин ретробульбар сохага қўллашнинг самарадорлиги умумий кимё-нур терапияси жараёнида 6 ой давомида ўрганилди. Кимё-нур терапиясига қўшиб ретробульбар карбоплатин олган 14 бемор (70%)да ўсма тўлиқ регрессга учради, 5 (25%) беморда жараённинг турғунлашуви ва 1 (5%) беморда бўлса ўсманинг ўсиши қайд этилди (6-жадвал).

6-жадвал

Аъзо сақловчи давога қўшиб ретробульбар карбоплатин қилинганда даволаш натижалари

Гуруҳ	Тўлиқ регрессия		қисман регрессия		Стабили-зация		Давомли ўсиш	
	абс.	%			абс.	%	абс.	%
ПХТ+ДТГТ+карбоплатин, n=20	14	70,0	0	0	5	25,0	1	5,0
Назорат, n=20	4	20,0	10	50,0	2	10,0	4	20,0

Карбоплатин юборилмаган назорат гуруҳидаги 20 беморда қуйидаги натижалар қайд этилган: тўлиқ регрессия фақат 4 беморда (20%) кузатилган. 10 (50%) беморда ўсма қисман регрессиясига учраган, 2 (10%) беморда – жараённинг турғунлашган, 4 ҳолатда (20%) бўлса ўсманинг ривожланиши давом этгани аниқланди.

